

Bir do‘stimning to‘yida nikox o‘qilayotgan domla kelin-kuyovning ismlarini aytmasdan ularni

21:39 / 27.04.2016 4277

САВОЛ: Бир дўстимнинг тўйида никох ўқиладиган домла келин-куёвнинг исmlарини айтмасдан уларни никохлаб қўйди, яъни “куёвтура келинпошшани тан махрамликга қабул қилдингизми?” ва «келинпошша куёвтурага тан махрамликга розимисиз?” деб никох ўқилди. Мана шу жойда никох жоиз бўлдими?

ЖАВОБ: Келин-куёвни номини айтиш бизда доимий равишда домлалар тарафидан килиб келинган нарса, лекин бу ҳолатни синчковлик билан ўрганиш керак. Ўша домла нима учун айтмадилар, эҳтимол икки тараф бир-бирига танишлиги учундир, эҳтимол Яна вакиллар томонидан айтилган бўлиши мумкиндир. Аслида эса Исломда бир-бирини танимайдиган бўлса, бир-бирини номини билмаса ва рози бўлмаса никох дуруст бўлмайди. Балки куёв келинни ижоб ва қабул пайтидаги розиликларини баён қилувчи овозини ҳам куёв-келин бир бирлариникини эшитиши ҳамда гувоҳлар ҳам розилик сўзларини эшитишлари, овозларини эшитишлари лозим. Ана шу маънода бизда номини айтиб, сўраб, тасдиқлаб икки тарафдан розилик олиш йўлга қўйилган. Албатта буни имом, домлаларимиз келажакда эътиборга олишди деган умиддамиз. Лекин бу саволдаги никохни жоизми ёки йўқми айта олмаймиз. Чунки бу жуда нозик нарса буни алоҳида ўрганиб, тадқиқ қилиб кейин бир нима дейиш мумкин. Биз эса шариатда келадиган қоидалар билан чегараландик.